

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

КЕЧА Ўзбекистон Миллий матбуот Марказида Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова ва Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий Маркази директори А.Саидов миллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари, республикада фаолият кўрсатаётган нодавлат ва ношароит ташкилотларнинг вакиллари билан матбуот анжумани ўтказдилар.

Унда А.Саидов ва С.Рашидова миллий Марказ ва Омбудсманнинг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти ҳақида сўзлаб бердилар. Жумладан, Ўзбекистон ўзи кўширган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактларга изчил риоя қилиб келаётганлиги, миллий қонунчилигимиз халқаро шартномаларга мувофиқлаштириб борилаётганлиги таъкидланди. Айни пайтда улар қонунларни тарғиб этишда, миллий Марказ ва Омбудсман фаолиятига ошкоралик беришда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиқни кучайтиришни таклиф этдилар.

Анжуман сўнгида А.Саидов ва С.Рашидова журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

(Ўз мухбиримиз)



«Урмим баҳорисан, баҳор!»

## ТАШАБУС СПОРТЧИЛАР ҲОМИЙСИ

ПРОКУРАТУРА ва болалар спорти!.. Бир қарашда бу икки соҳанинг ҳаётида кесишув нуқтаси йўқдек туюлади. Лекин мақоми топилса, маъзур соҳалар нафақат туташishi, балки бир-бирига уйғунлашиб кетиши ҳам мумкин экан.

Ёш бўлсаям, катта жамоага бош бўлиб обрў-эътибор топаётган Шухрат Алиризаев буни яхши билади, ана шу мақсад сари интилади. Дарвоқе, Шухратжон деганингиз ким деб сўрасиз? Уни барча пахтакорликлар туман прокурори сифатида яхши танишадди, ёшлар эса гуруҳ билан "спортчиларнинг ҳомийси", "болаларнинг энг яқин дўсти" деб тилга олишадди. Иккала томон ҳам ҳақ. Шухратжон бир пайтнинг ўзида ҳам туман прокурори, ҳам оммавий спортнинг катта ташкилотчисидир.

— Мен яқин-ақинларгача спортнинг бир неча тури билан шугулланиб келганман. Ҳозир ҳам машғулотларни қанда қилмайман, — дейди Шухрат Ҳожиёвич. — Пахтакор туманига ишга келгач, бу ердаги криминал ҳолатни ўрганиб чиқдим. Мени ташвишлантирган нарса шу бўлдики, жиноятларнинг аксариятини балоғатга етмаган ёшлар содир қиларди.

Жиноятларнинг илдизиди бекорчилик ётгани маълум. Бекорчилик ёшларни бузади. Шундай шароитда уларни кенг кўламдаги ижтимоий меҳнат ва спортга жалб қилиш муҳим вазифа эмасми?!

Шу сабаб Пахтакор шаҳридаги спорт иншоотларининг аҳолини ҳам ўрганиб чиқдим. Туман марказида 10 минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида яққо-ягона ҳисобланган ёпик сузиш ҳавзаси, ҳар бир қишлоқда йирик спорт майдонлари мавжуд экан. Шундай спорт масканлари бўла туриб, уларга маҳаллий маъмурлар унча эътибор бермай келишадигани ойдинлашди. Бунинг устига Пахтакор пахтани қайта ишлаш заводида қарашли улкан қишки спорт саройи мутлоқ қаровсиз қолганди. Ҳашаматли бу бинодан файз кетган, деворларнинг сувоғи қўчган, эшик-даразалари синган, хоналар ахлат-чиқитга тўлиб кетган эди. Бу ерда ҳатто сув ҳам йўқ эди. Бунақа шароитда спортнинг оммавийлиги ҳақида гап бўлиши мумкинми? Энг ачинарлиси, бир пайтлар вилоят ва республика терма жамоаларига ажойиб спортчиларни етказиб берган бокс мактаби ҳам эътибор йўқлигидан таржаб кетибди.

Шухратжон туман спорт қўмитаси раҳбари билан мавжуд муаммолар ҳақида бафуржа гаплашиб олди. Кейин ҳокимликка чиқди. Бу орада туманга истеъдодли муҳандис, ташкилотчилиги билан танилган Убайдулла Яманқулов ҳоким этиб тайинланди.

(Давоми 4-бетда.)

## Ушбу сонда

**16-ХОНАДОН**  
Өлти йил  
давонида мижаролар  
марказида турди.  
5 - бет

## СОХТА ДИКОҲ ОРИДАГИ ҚАБИҲ МАҚСАД

6 - бет



## СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ ҚОРА КУРСИДА

7 - бет

## ҲАМ ШАРАФ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

Айни пайтда 2002 йилда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувлари қизгин тус олмақда. Ана шундай беллашувларда иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси Осиё қитъасининг 7-саралаш гуруҳида ягона йўлланма учун баҳс юритади. Терма жамоамиз бош мураббий В. Салков юзлаб номзодлар орасидан ҳам шарафли, ҳам масъулиятли ўйинларда қатнашиши учун танлаб олган чарм тўп усталари кимлар эканлигини 8-саҳифадан билиб оласиз.



## “МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД” ЧЕМПИОН

8 - бет

## «HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

## Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi  
prokuraturasi,  
Toshkent shahar va Toshkent  
viloyati prokuraturalari,  
«Qonun himoyasida»  
jurnali

## Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

## Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,  
Komiiljon Ismoilov,  
Dilshod Ismoyilov  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Shavkat Yodgorov  
(Mol'ul kotib),  
Lola Shomurodova,  
Muxtor Shodmonov,  
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot  
qo'mitasida №00150 raqam  
bilan ro'yxatga olingan  
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

**Manzil:** Toshkent shahri,  
akademik Yahyo G'ulomov  
ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 133-82-34

**E-mail:** huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma  
va suratlar egalariga  
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari  
tahririyat fikridan farqlanishi  
mumkin. Gazetada bosilgan  
fakt va dalillar uchun  
muallif mas'ul.  
Nashrimizdan ko'chirib  
bosilganda «Huquq»dan  
olinganligi ko'rsatilishi shart.  
Tijorat ahamiyatiga molik  
materiallar \*\* belgisi ostida  
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter  
bazasida terildi va sahifalandi.  
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasida ofset  
usulida A-3 formatda  
chop etildi.

Korxonalar manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 2149  
Nusxasi - 21787

Bosmaxonaga topshirish  
vaqti 20.00  
Bosmaxonaga  
topshirildi 19.45

Gazeta hafaning chorshanba  
kunlari chiqadi

**Navbatchi muharrir:**  
H. NISHONOV  
**Navbatchi:** N.MAHMUDOV  
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

## ТАХЛИЛ

Наманган вилоятида ўтган йили 1999 йилга нисбатан оғир жиноятлар 6 фоизга, ўта оғир жиноятлар 2,7 фоизга, умумий жиноятчилик эса 2 фоизга камайган. Бу юқори кўрсаткич бўлмасда, ушбу натижалар Наманган вилоятида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ижобий ўзгариш томон юз тутилганлигидан далолат беради.

ЙИЛ бошидан ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратураси томонидан қатор тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди. Унда вилоятдаги барча ташкилот, корхона, муассасадан тортиб, фуқаролар йиғинлари, халқ посбонларига қонунийликни таъминлаш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш асосида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш эътиборга олинган.

— Ҳар бир инсонда Ватанга муҳаббат, уни кўз қорачигидек асраш туйғуси, қалбда шу мустақил юрт фарзандиман, дея фахрлини ҳисси жўш урмас экан, нафақат ишлаб чиқаришда, саноатда, балки қонун устуворлигини таъминлаш борасида ҳам жиддий муаммолар пайдо бўлаверади, — дейди вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Ғ.Барноев. — Бунинг учун аввало, фуқароларимиз бефарқлик, лоқайдлик касалидан қутулишлари лозим. Мен бунинг бежиз айтаётганим йўқ. Масалан, Наманган шаҳрида яшовчи ваҳобийлик диний экстремистик оқими аъзоси Юнус Абдурахмоновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддасига асосан жиноят иши кўзга тилиб, кидирув эълон қилинган. Чунки у турмуш ўртоғи ва тўрт фарзанди билан маҳалладан кўчиб, республикамиздан ташқарига чиқиб кетган.

Буни қарангки, «Сумалак гузар» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, кўчи-кўшинилари бундан беҳабар эмиш, Бунга ким ишонди? Бундай бепарволик, бефарқлик ва лоқайдлик ҳукм сурган муҳитда жиноятчилик палак ёзиши мумкин-ку, ахир. Миллий урф-одатларимиз, кадриятларимиз ўзига хос тарзда намоян бўладиган, ўзининг меҳмондўстлиги, ширинсонлиги билан ном таратган Наманганда нега бундай салбий ҳолатлар рўй бермоқда? Бу ҳақда шу табаррук заминни ватан тутган ҳар бир ин-

сон жиддий ўйлаб кўриши керак. Ҳар бир инсон учун ўзи туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган жойдан муқаддас даргоҳ бор эканми дунёда? Маҳалла фаоллари йўлдан адашганларни нега оғохликка чақирмайди? Ўз ватанидан ўз йўриб кетган одам ўзга юрда ҳеч қачон қадр топмаслигини, аксинча ватангадо бўлиб, хору зор бўлишни нега тушунтирмайди?

Бундай воқеа-ҳодисаларни кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиш жуда қимматга туш-

ага. Шу нақша назардан келиб чиқиб содир этилаётган жиноятларнинг аччиқ оқибатлари ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб боришга алоҳида эътибор беришимиз. Ана шу мақсадда прокуратура идораларининг 2000 йил якунлари ва келгуси вазифаларига бағишланган йиғилишларида қабул қилинган қарорлар вилоятдаги барча шаҳар ва туман ҳокимликларида фаоллар иштирокида муҳокама қилиб чиқилди. Шундан кейин меҳнат жамоалари ўз фаолиятини қонун устуворлиги тамойили асосида қайта кўриб чиқдилар.

Прокуратура идоралари ходимларининг жойларда аҳоли билан учрашувлари, жонли мулоқотлари одат тусига кириб бормоқда. Масалан, яқинда вилоят прокуратураси ташаббуси билан «Фермер ҳўжаликлари манфаатини ҳимоя қилиш

прокуратура идоралари аралашуви билан режадан ортиқча етиштирилган 9 минг тонна галла фермерлар ихтиёрида қолдирилди. Умуман, прокуратура идоралари аралашуви билан қонуний ҳал бўлаётган бундай муаммоларимиз ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу фермерлар кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Ўз меҳнати самарасидан манфаатдорлик уларни халқимиз дастурхони тўқинлиги йўлида астойдил меҳнат қилишга ундайди.

Қонун ҳимоячиларининг бундай учрашувлари, оддий фуқаролар ҳузурига бориши, уларга мавжуд қонунлар ва ўзларининг ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисида тушунчалар беришлари, албатта, фойдадан холи бўлмайти. Негаки, оддий фуқародан тортиб, тижоратуру раҳбаргача мавжуд қонунларни, ҳақ-

## ИШЧАНЛИК МУҲИТИ

## Наманган вилоят прокуратурасида қарор топмоқда

моқда. Масалан, Наманган шаҳридаги фуқаролар йиғини нисбатан яхши ишламаётган айрим маҳаллалар қиёслаб таҳлил қилиб чиқилганда жиноятлар сони 1999 йилга нисбатан ўтган йили «Чорсу» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 39 тадан 61 тага, «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғинида 4 тадан 13 тага, «Заркент» ва «Гулбоғ» маҳалла фуқаролар йиғинларида эса 2-3 тадан 11 тага кўпайиб кетгани маълум бўлди.

Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш билан бирга онгига шу муқаддас тупроққа садоқат, муҳаббат руҳини сингдириш борасида ҳам ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз лозим. Зеро, одамларнинг теварак-атрофда содир бўлаётган воқеаларга очик кўз билан қараб, тўғри идрок этиши ва теран фикрлаши муҳим аҳамиятга

— давр талаби» мавзусида мулоқот бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги тайёрлов идоралари раҳбарлари, молия, солиқ ходимлари фермер ҳўжаликлари раҳбарлари билан ўзламу-юз бўлиди. Фермерлар ўзлари дуч келаётган муаммолар, тўсиқлар ҳақида ошқора гапирдилар. Улар томонидан кўтарилган муаммоларнинг аксарияти шу ернинг ўзидаёқ ҳал этилиб, савоолларга аниқ жавоблар олинди.

— Вилотимизда ҳар ойнинг биринчи ҳамда охириги шанбаси «Фермерлар ва тадбиркорлар куни» деб эълон қилинган, — дейди вилоят фермер ҳўжаликлари уюшмаси раиси М. Валиев. — Шу кунлари вилоят ва туман прокурорлари фермер ҳўжаликлари раҳбарлари ҳамда аъзоларини қабул қилдиладилар. Бу албатта ўз самарасини бермоқда. Буни кўйидаги биргина мисолда кўриш мумкин: ўтган йили

ҳуқуқини яхши билса, ўзига ва атрофдагиларга нисбатан адолатсизлик қилинишига асло йўл қўймайди. Шу боис ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида прокуратура идоралари ходимлари бошлаган катта ёшмоқда. Вилотда бўйлаб кенг тулаб ёймоқда. Бугунги кунда вилоятдаги барча ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари кенг жамоатчиликка пешвоз чиқмоқдалар.

Юқоридагилар вилоят прокуратураси фаолиятининг айрим қирралари ҳолос. Воёга етмаганлар билан ишлаш, қишлоқ ҳўжалиги, саноат, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш каби соҳалардаги қонун бузилишларининг олдини олиш масалаларида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Қайси соҳани олмайллик янгица ёндошувлар, қарашлар ва муносабатлар қарор топганлигининг гувоҳи бўлди. Бу ўз навбатида вилоятда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омилли бўлмоқда.

Абдуқошим МАДАТОВ,  
«Хуқуқ» муҳбири

## ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИДА СУҒУРТА ХИЗМАТИ

## МУАММО ЕЧИМИ — РАҚОБАТДА

РИВОЖЛАНГАН мамлакатлар тажрибасидан маълумки, жамиятдаги иқтисодий барқарорликни таъминлашда суғурта компаниялари муҳим ўрин тутди. Шунинг учун қишлоқ ҳўжалик суғуртасини шакллантиришга соҳадаги ислохотларнинг асосий йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда.

Агар секторда суғурталашни йўлга қўйиш мақсадида Президентимизнинг 1997 йил 25 февралдаги Фармонига асосан «Ўзгросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси ташкил этилган. Ушбу ҳужжатда компаниянинг асосий вазифаларидан бири «деҳқончилик соҳасида товар ишлаб чиқарувчиларнинг мулки ва махсулотини суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш» эканлиги алоҳида қайд этилган.

Ўтган давр ичида компания қишлоқ ҳўжалик корхоналарида суғурта хизматларини ташкил этиш ва ушбу хизмат доирасини такомиллаштириш борасида қатор ишларни амалга оширди. Биргина 2000 йилнинг ўзида қишлоқ ҳўжалик корхоналари билан пахта, галла, шולי ҳосилларини суғурталаш бўйича ҳамда чигитни қайта ишлаш, бошқа экин ва мулкларни ихтиёрий суғурталаш бўйича 3733 та шартнома тузилди. Шунингдек, деҳқон-фермер ҳўжалиklarining мол-мулкларини, экинлари, чорва моллари, техника воситаларини суғурталаш мақсадида 5827 та шартнома имзоланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 18 сентябрдаги «2001 йил ҳосили учун 2000 йилда ўтказилган қузи-қишки агротехника тадбирларини маблағ билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорида компанияга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ҳокимликлари ва қишлоқ ҳўжалик корхоналари раҳбарлари билан биргаликда пахта, бошқоқли экинлар ва шולי ҳосилнинг табиий офатлар ҳамда бошқа қутилган ҳодисалардан нобуд бўлиши эҳтимоли назарда тутилди, ўз вақтида ихтиёрий суғурта қилинишини таъминлаш вазифаси топширилган. Қарор ижросини таъминлаш учун ҳозиргача агар корхоналар билан 2501 та ихтиёрий суғурта шартномаси тузилди. Айни вақтда ҳам бу жараён изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Шу ўринда бир муаммога тўхталиб ўтиш жоиз. У ҳам бўлса, айна вақтда қишлоқ ҳўжалик корхоналари, деҳқон ва фермер ҳўжалиklarining экинлари ҳосили бўйича ихтиёрий суғурта шартномалари тузилишида бирмунча қийинчиликлар мавжудлигидир. Суғурта компаниясининг жойлардаги бўлимчалари ҳўжалиklar билан тузган шартномалари бажарилмас, суғурта бадаллари ўз вақтида ўтказиб берилмас, табиийки, суғурта ташкилоти суғурта полисини ёзиб беришга ҳақли эмас. Бу эса ўз навбатида ҳўжалиklarнинг зарар қўрган ҳосил қийматини қўллаб бериш имкониятидан

маҳрум бўлишига олиб келади.

Юқоридаги қарорда кўзда тутилган пахта, бошқоқли дон экинлари, шולי ва қанд лавлага ҳосилнинг табиий офатлардан қўрган зарарини суғуртавий ҳимоя қилиш учун ҳўжалиklar аванс маблағлари ажратаётганда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ ҳўжалик махсулотлари харид қилишга йўналтирилган жамғармани мақсадли иштилоқчи қорасини қўриши лозим. Агар ушбу масала эътибордан четда қолса, ҳўжалиklarнинг суғурта бадалларини ўз вақтида ўтказиб бериш имкониятини чеклаб қўяди.

Маълумки, 2000 йилги мураккаб об-ҳаво шароити қишлоқ ҳўжалиги учун жиддий қийинчиликлар туғдирди. Қуроқчилик сабабли аксарият майдонлардаги ҳосил нобуд бўлди, экинлар бутунлай қуриб қолди. Қўрилган зарарларни бартараф этиш, экинга тайёргарлик ишларини ўз вақтида бажариш мақсадида, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

«Ўзгросуғурта» компанияси томонидан қўрилган зарарларни қўллаш учун ўтган йил якунлари бўйича 2,6 млрд. сўмдан ортиқ суғурта маблағлари тўланди. Қоманча қишлоқ ҳўжалигидagi зарарларни қўллаш учун бундан ҳам кўп маблағ тўлаши мумкин эди. Аммо, ҳўжалиklarнинг ҳисоб рақамларида эркин сармояларнинг бўлмаганлиги, махсулот етиштириш учун аванс тарикасида берилган маблағларни аниқ йўналишларга, шу жумладан, ихтиёрий суғурта тўловларини амалга ошириш учун ажратмаганлиги бунга имкон бермади.

Ҳозирги кунда республикамизнинг суғурта тизими тубдан ўзгарган. Суғурта бозорида давлат қарашли компаниялар ҳам фаолият кўрсатапти. Шубҳасиз, бу ҳолат суғурталовчилар ўртасида миқозларни жалб этиш борасида соғлом рақобатнинг қўлашига олиб келади. «Ўзгросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси эса қишлоқ ҳўжалиги соҳасида товар ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатувчи ягона суғурта компанияси ҳисобланади. Агар «Ўзгросуғурта» компанияси билан бир қаторда қишлоқ ҳўжалигидa суғурта хизматлари кўрсатадиган бошқа компаниялар ташкил этилса бу йўналишда ҳам соғлом рақобат учун тарали шарт-шароитлар яратилган бўлар эди. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигидagi суғурта бозорининг янада юксалиши ва ривожланишига олиб келади, деган умиддамиз.

Олимжон ШУКУРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi  
Давлат ва жамият қўрилиш академияси тилгачиси

# ТАХРИРИЯТ ПОЧТАСИДАН

## БИР ШЕЪРЧУ, БИР МАКТУБСИМ БОР

Ассалому алайкум, "Хуқуқ" газетаси тахририяти!  
Мен, Боқиева Умида, Сурхондарё вилоятининг Сароисиё туманида 1981 йили туғилиб, шу максадга ўзим. Ёшликдан ниятим ҳуқуқшунос бўлиш эди. Орузларим амалга ошиши учун тилмай ўқидим. Мақтабни аяло баҳоларга туютсам, СамДУнинг ҳуқуқшунослик факультетида ҳужжат топширдим. Билимим етмай, икки йил кира алмадим. Руҳан тушунликка тушдим. Лекин ниятимдан қайтмадим. Учинчи йили яна имтиҳон топширдим. Бахтим кулиб, ўтган йили талаба бўлдим. Ҳозирги кунда университетнинг ҳуқуқшунослик факультетида ўқиб, устозларим К.Назаров, Ш.Абдуллаев, З.Муқимов, Ибодуллаевларнинг қўлида таълим оляпман. Сизларга мактуб йўллашимдан асосий мақсад — мен ёшлигимдан шеър, мақолалар ёзиб тураман. Сизларга уларни жўнатсам, газетангизда эълон қиласизларми? Ушбу мактуб билан битта шеър ва мақолани жўнатаяпман. Агар маъқул келса, чиқарсаларингиз, илтимос.

Умида БОҚИЕВА,  
Самарқанд шаҳри

### Тахририятдан:

Умида, газетамизга бўлган эътиборингиздан мамнунмиз. "Хуқуқ"нинг кейинги сонларидан бирида мақолангизни чоп этиш ниятимиз бор.

## АРЗИМИЗНИ КИМ ТИНЧЛАЙДИ?

Ушбу хатни ёзишимизга ҳам бир кичкина муаммо сабаб бўлди. Маҳалламизда бир неча йилдан буён ичимлик суви йўқ. Йўлимизга асфальт у ёқда турсин, тош ҳам ётқизилмаган. Зовур ёқалаб юраемиз. Болаларимиз қишда бир неча марта лойга сиртаниб, зовурга тушиб кетди. Ичимлик суви йўқлигидан қишин-ёзин зовур сувдан ичамиз. На-тижада баъзи болаларимиз иф-лос сувдан ичгани учун дардга чалиниб, касалхоналарга туш-моқда.

Аҳволни яхшилашни сўраб жамоа ҳўжалиги райсига, ма-ҳалла кўмитасига, туман ҳўки-миятига бир неча бор муросжаат қилдик. Бефойда. Наҳотки, ма-ҳаллий ҳўкимият арзимизни ино-батга олмаса?

Кўрбонсулв МИРЗАЕВА,  
Тугал ХОЛМУРОДОВА,  
Сурхондарё вилояти,  
Музработ тумани "Кўнгирут"  
жамов ҳўжалиги, "Қизил олма"  
маҳалласи

## ҲУҚУҚШУНОСЛАР, СИЗ УЧУН

# ҲАМ ҚЎЛЛАНМА, ҲАМ ТАДҚИҚОТ

«Диний экстремизм ва террорчилик: унинг илди-зи қаерда? Мақсади нима? Унга қарши қандай курашиш керак?» рисоласини ўқиб.

ЮРТ тинчини бузишга қаратилган жиноий қилмишлардан энг хавфли-си — бу диний экстремизм ва террорчилик ҳисобланади. Диний экстре-мизм ва террорчиликнинг миллати, Ватани, дини йўқ. У турли юртларда турли қиёфаларга кириб, одамлар онгини заҳарлашга, элу юрт тинчили-гини бузишга ҳаракат қилади. Афсуски, бу офат бизнинг диёримизни ҳам четлаб ўтмади. Ҳар қандай офатга қарши курашиш учун эса унинг моҳиятини, илдиларини тушуниб етиш керак. Шу маънода олганда ҳуқуқшунос олима ва малакали амалиётчи Мавжуда Ражабованинг рисо-ласи давринг долзарб муаммоларидан бирига бағишланган гоят муҳим тадқиқотдир.

Мавжуда Ражабова бир томондан ўзини чўқур билимли назариётчи сифатида кўрсатади. Унда ислом давлатининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатла-ри, унинг турли кўринишлари, ваҳҳобийлик, акромийлик, ҳизбут-тахрир норасмий оқимларининг жиноий уюшма сифатидаги ўзига хос хусусият-лари, террорчилик уюшмалари тушунчаси, белгилари чўқур назарий таҳлил этилган. Бу борада ҳуқуқ фанлари илмий муаммосига қатор ҳулосалар, мулоҳазалар, таклифлар киритилган.

Бошқа томондан олганда, ушбу рисолада ҳуқуқшунос талабалар, терговчилар ва тезкор ходимлар учун бундай турдаги жиноятларга ҳуқуқий баҳо бериш, тергов-суриштирув тактикаси, услуби, далилларни тўплаш, қайд этиш, ҳўжатларни расмийлаштириш бўйича қимматли йўл-йўриқлар, тавсиялар, маслаҳатлар ҳам ўз ифодасини топган. Юқоридаги ҳолатларга асосланиб, ушбу рисола ҳам илмий тадқиқот, ҳам ўқув қўлланмаси сифатида эътиборга лойик, деб айтиш мумкин.

Рисолада диний экстремизм ва террорчилик оқимлари иштирокчила-рининг шахслари турлича эканлигини, улар орасида адашганлар, алдан-ганлар, ҳақиқий Ислому дини моҳиятини тушуниб етмагани учун бу йўлга кирганлар, онги қотиб қолган ақиданараст-мутаассиб жоҳиллар, дин ниқобида сиёсий ҳўкимиятни эгаллаш, шахсий манфаатлар — мол-мулк, бойлик орттириш, ўзгалар иродасини жилволаб, итоатда ушлаб туриш мақсадини қўлаган худбин кимсаларни бир-биридан фарқлаш, алдан-ганларни қутқариш, жоҳил-мутаассиб ва манфаатпараст, мансабпараст-ларнинг қонуний жазосини бериш лозимлиги таъкидланади.

Диний экстремизм ва терроризм — бутун дунёга хавф солаётган тажовузкор ҳаракат. Деярли, барча мамлакатлар қонунларида улар жиноят сифатида баҳоланади. Ушбу ҳусусда жуда кўп халқаро ҳўжат-лар, конвенциялар мавжудлиги бу борадаги миллий қонунлиқни шак-лантиришда муҳим омилдир. Шу сабабли ҳам муаллиф ўз асарига Халқаро террорчиликка қарши кураш билан боғлиқ конвенциялар матн-ларини илова қилганлиги гоят муҳим аҳамиятга эга, дейишга асос бор.

Ушбу тадқиқот-қўлланма ҳуқуқшунослар китоб жавонидан муносиб ўрин эгаллаши шўбҳасиз.

Х. РАҲМОНҚУЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси

Фанлар академиси ҳақиқий аъзоси

юридик фанлари доктори, профессор.

Ф. ТОҲИРОВ,

Дошкент давлат юридик институти

"Жиноят ҳуқуқи" кафедра мудири

юридик фанлар номзоди, доцент

## СУЪ ҚАРОРИНИ ВАЖАРМАЯЙТИ...

Ҳурматли тахририят!  
Ушбу шикоятни ёзаяпмизу,  
Сизлардан нажот истаб, ердан  
кутиб қолмақдамиз.

Мен, Тўрақул Рўзимуродов,  
Пастдарғом туманидаги  
С.Турсунов номли жамоа  
ҳўжалигида химикатлар билан  
боғлиқ ишларда ишлаб, ноқирон  
бўлганман. 1985 йилдан буён  
нафақа оламан. Даволаниб  
тураман.

Мен, Қаҳрамон Умрзоқов, шу  
ҳўжаликда тракторчи бўлиб  
ишлаганман. Мен ҳам ишлаб  
чиқаришда майиб бўлиб, 1988  
йилдан буён 2-гурӯҳ ноқирони-  
ман.

Гап шундаки, иккаламиз ҳам  
1997 йилдан бошлаб жамоа  
ҳўжалигидан нафақа пуллари-  
мизни оломайтимиз. Бу ҳақда  
туман судига арз қилган эдик.  
2000 йил 20-21 октябрь кунлари  
суд ишларимизни кўриб чиқиб,  
2000 йил 1 сентябргача тўлан-  
маган нафақа пулларимизни  
ҳисоблаб чиқди ва жамоа  
ҳўжалигидан Т.Рўзимуродов  
фойдасига 111390 сўм, Қ.Умр-  
зоқов фойдасига 68151 сўм  
ундириш ҳақида ҳал қилув  
қарори эълон қилинди. Суд  
қарори 20 кундан кейин ижрога  
берилган бўлса-да ҳозиргача  
бизга бирон тўйин ҳам ундириб  
берилгани йўқ.

Ҳўжалик раҳбарининг бизга  
нибатан бюрократларча  
муносабати бир бўлди-ю,  
суддагиларнинг ўз қарорларини  
ижро этолмасликлари бир  
бўлди.

Биз туман марказидан 20 км  
узоқликда яшаймиз. Биримиз-  
нинг битта оёғимиз йўқ.  
Биримизнинг нафасимиз қисади.  
Қарор ижросини сўраб ҳар  
ҳафта марказга қатнайверши  
бизни ҳам маънавий, ҳам  
жисмоний, ҳам моддий жиҳат-  
дан қийнаб кўйди.

Т. РЎЗИМУРОДОВ,  
Қ. УМРЗОҚОВ,  
Самарқанд вилояти,  
Пастдарғом тумани,  
Чандир кишлоғи

## ■ Акс-садо

# ЎЗЛИТИМИЗНИ УНЧУТ МАЙЛИК

Мен "Хуқуқ" газетасининг ҳар бир сонини қолдирмасдан ўқиб  
бораман. Газетада фақат ҳуқуқий мавзу билан чекланмасдан ижтимо-  
ий ҳаётга тааллуқли мақолаларини чоп этилиши ҳам унинг ўқувчилар  
томонидан севиб ўқилишига сабаб бўлмоқда, деб ўйлайман. Менга  
айниқса газетанинг 2001 йил 10-сонидagi Ҳосият Бобомуродованинг  
"Ой келинлар, кун келинчақлар" мақоласи жўдани маъқул бўлди. Ушбу  
мавзу ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимизни беришимиз лозим топдим.

Фарзандлар оиламизнинг шамчироқлари, ҳаётимизнинг давомчилла-  
ри, қариган чоғимизда бизни авайлаб-асрайдиган, сунандиган сунчиқ-  
ларимиздир. Шунинг учун, биз уларга гўдақлигиданоқ меҳр-мурувватли,  
Ватанга садоқатли бўлишни ўратиб боришимиз зарур. Шу билан бирга  
миллий қадриятларимизни, тўй-ҳашамлардаги, диний ва миллий бай-  
рамларимиздаги анъаналаримизни, урф-одатларимизни уларнинг онга-  
га синдириб боришимиз лозим. Айниқса, қизларимизга ўтмишдаги  
момоларимиз ўзинларини, покизалиқни, ҳалолликни, кийинги модаби-  
ятини, ибодли ва ҳаёли бўлишини биз оналар тушунтириб боришимиз  
керак.

Фарзандларимизнинг кўнелига қараб, баъзан уларни тантиқ, инжиқ,  
эркатой қилиб ўстирамиз. Вояга етганларида табиатидаги нуқсонла-  
рини кўриб, улар тарбиясида янглишганимизни англаймиз... Бунга  
мақоладаги мисоллар ҳам далил бўла олади. Наҳотки, келинчақларимиз  
ўзга хондонга тахт эмас, бахт излаб бораётганларини ўйламаса.  
Бойчақа қилиб айтганда, бир кунлик тўйда киядиган кўйлак учун  
беғоналарга ўзини кўз-кўз қилиб, ота-онасини моддий томондан қийна-  
ши шартмикин?

Мен ҳам келинчақларимизнинг европача кийимлар кийиши тарафдо-  
ри эмасман. Бунинг ўрнига келинчақларимиз зиройли қилиб тикилган  
миллий либосда бўлишса, қандай яхши.

Мақолада айтилганидек, келин-куёвнинг тўй кечасида, одамлар  
орасида ўйинга тушиб юришлари ҳам бизнинг миллийлигимизга хос  
бўлмайдиган бир ҳолат. Мен бунга бир мисол келтирмақчиман. Бир  
тўйда келин билан куёв олдига куёвнинг яқин ўртоғи маст ҳолда келиб,  
келинин ўйинга таклиф қилган ва ўйнай бошлаган. Бунга куёвнинг  
аччиги келиб, ўртоғини дўтпослаган. Оқибатда келин-куёв барчага  
масхара бўлди. Икки ўртоқнинг эса бир-биридан кўнгли қолиб, дўстли-  
гига нутур етди. Ана шундай кўнглиз воячаларнинг содир бўлмаслиги  
учун ҳам, бундай шармандали одатлардан воз кечганимиз маъқул.

Ҳозирги шароитда тўйларимиз ихчам, кам харажатли, икки тараф  
бир-бирини тушунган ҳолда ўтгани маъқул. Кўрмага қараб оёқ узатиш  
ҳам керак-да, ахир...

Булар менинг шахсий фикрларим, холос. Бу гапларга ёшларимиз,  
айниқса, бўлгуси келинчақларимиз нима дейишаркин?

Пардагул МАТЧАНОВА,  
ҳуқуқшунос.  
Қорақалпоғистон Республикаси,  
Манғит шаҳри

## РЕКЛАМА

# «ALOQA - INK»



ЭНГ  
ЮҚОРИ  
МАЛАКАЛИ

ЮРИДИК ХИЗМАТ

Манзил: ТОШКЕНТ Ш., А.ТЕМУР КЎЧАСИ - 24.  
Телефон: (998-71) - 139 - 23 - 57.

## ТАШАБУС

## СПОРТЧИЛАР ҲОМИЙСИ

(Бошланиш 1-бетда.)

Ҳоким ва прокурорнинг гапи бир жойдан чиқиб, спорт иншоотларининг эшигига солинган қулфлар бирин-кетин очила бошлади. Спорт саройи эса хашар йўли билан бутунлай қайта таъмирланди. Шўхратжон иш вақтлари прокуратурада бевосита кундалик ишлари билан шугулланса, эрталаб ва кечқурунлари албатта спорт иншоотларининг таъмири қандай бораётгани билан қизиқарди.

Бу ерда қисқа фурсатда жуда катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж, таъмирлаш ишлари бажарилди. Айни пайтда барча хоналар спорт жиҳозлари билан таъминланди. Ҳашарда ҳўжаликларнинг жамолари ҳам фаол қатнашди.

1999 йилнинг 1 июли кун спорт саройи тантанали суратда очилиб, ўз бағрига дастлабки ишчи-бозларни қабул қилди. Спорт муҳлислари қутилганидан ҳам зиёд экан. Биргина киши спорт саройи қошидаги ўқсмирлар ва болалар спорт марказининг бокс секцияси машғулотларига 200 дан зиёд бола қатнашиш истагини билдирди.

II-даражали "Соғлом авлод учун" ордени нишондори, халқ маорифи аълочиси, олий тоифали мураббий Баҳодир Мирзакулов шу спорт саройига раҳбар этиб тайинланди. Фидойиларнинг сайҳаракати билан Пахтакорнинг шўхрати тиклана борди. Бугунги кунда туман маҳоратли боксчилари билан машқур, шу сабабли катта боксда "Пахтакор мактаби" деган ибора ҳам пайдо бўлди. Шўхратжоннинг тавсияси билан катта ишларга қўл урган Баҳодиржон умидли спортчиларнинг севимли ўстозидир. Шу мураббининг шоғирдлари мамлакат чемпионатлари ва йирик халқаро турнирларнинг голиблари бўлишган.

Спортчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган, боксчиларнинг яна бир авлоди етиштиб чиқди. А.Умаров, Ш.Абдурусуллов, О.Жозилов каби ёшлар бугунги кунда ўзбек боксда етакчи ўринларни эгаллади. Т.Аблягимов, Ш.Бозоров сингари умидли спортчилар Ўзбекистон терма жамоаси сафидан жой олишди. Бу аҳолиси 55 минг кишилик қишлоқ ҳўжалиги тумани учун ёмон кўрсаткич эмас. Ўтган давр мобайнида бокс бўйича 8 нафар спорт устаси, 21 нафар спорт усталлигига номзод тайёрланганлиги тилга олинса, Шўхрат Ҳожиёвич билан

Баҳодирларнинг меҳнатлари зое кетмаганига гувоҳ бўламиз. Энг асосийси, кейинги 2 йил ичида ёшлар ўртасида жиноятга қўл уриш ҳоллари кескин камайиб кетди. Пахтакорлик дзюдочи қизларнинг доврўги эса республика чегараларидан ташқарига чиқди. Улар энг нуфузли мусобақаларда ҳам бўш келишмаяпти. Баскетболчилар ҳақида ҳам шундай илқ гапларни айтиш мумкин.

Сув ҳавасининг гавжумлигини айтмайсизми. Бугун бу ерда ўтказилаётган мусобақаларда Жиззах воҳасининг юзлаб ёшлари ўз маҳоратларини намойиш этишяпти.

Ўтган йили Пахтакор шаҳрида халқ маорифи фидойиси Ҳотам ота Мирзакулов хотирасига бағишланган Халқаро бокс турнири ўтказилган. Турнирда қўшни республикалар ва мамлакатимиз вилоятларидан 14 та кучли жамоа қатнашди.

Саккиз кун давом этган бу спорт байрами барча пахтакорликларнинг ёдида қолди. Муҳими, совриннинг 35 фоизи пахтакорлик боксчилар қўлига ўтди.

Биз Шўхрат Алиризаевдан спорт учун бунчалик қийинчиликнинг сабабларини сўраганимизда, прокурор:

— Спортни севишни, уларга гавжўрлик кўрсатишни биз аслида Президентимиздан ўрганганимиз керак. Юртбошимиз айтганларидек спортчил элу юртни дунёга тез танитадиган соҳа йўқ. Шундай бўлганда, спортчи ёшлар тақдирини унч ҳаммамиз масўулмиз. Спортчиларнинг бугуни ва эртаси ҳақида мен ўйламасам, Сиз ўйламангиз, ким ўйлайди? — деди қуюнчақлик билан.

Шўхратжон Алиризаевдек фидойи, ташкилотчи ҳомийлар бор экан, қишлоқ спорти ривожланаяради. Дарвоқе, айни кунларда тумандаги касб-хўнар коллежида республика "Баркамол авлод спорт ўйинлари" мусобақасига тайёргарлик ниҳоясига етмоқда. 30 апрелдан 5 майгача бу ерда спортнинг белбоғли кураш ва халқаро ўзбекча кураш тури бўйича мусобақалар бўлади. Бу курашда она-ватанимизнинг юзлаб полволлари каби пахтакорлик ёшлар ҳам майдонга чиқишади. Вақти соати келиб бу ҳақда алоҳида ёзамиз, албатта.

Х.ХУДОЁРОВ,  
А.МУРОДОВ

## ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

АНЧАДАН бери автобус келмаётганлиги сабабли бекатда йўловчилар тўпланиб қолди. Кимдир ишга, кимдир ўқишга шошилади. "Қўйни-қўнжи" лиқ тўлган иккинчи автобус ҳам тўхтамай ўтиб кетганидан кейин йўловчилар аста-секин тарқала бошладилар. Мен иш жойимга фақат автобусда етиб олишим сабабли кутишга мажбур эдим. Бироздан сўнг ўзаро суҳбатлашиб келаятган икки аёл мендан беш-олти қадам нарида тўхтади. Уларнинг бирини яхши танийман. Мақтабдош дугонанимнинг ойиси Ҳалима хола. Бориб салом бердим. Иккинчи аёл билан қўришар эканман, қаердадир кўргандек бўлавердим. Лекин қаерда? Қайфитиш эҳсанга алик олганидан, бошига катта ташвиш тушгану юрагига ҳеч нарса сиймаётганлиги сезилиб турарди.

Шу орада автобус келиб, жўнаб кетдим. Йўл-йўлақай, ишхонага борганимда ҳам бояги аёлнинг мунгли чехраси хаёлимдан кўтарилмасди. Ҳа, эсладим.

ЮРТГА ХИЁНАТ  
КЕЧИРИЛМАЙДИ

Яккасарой туман судида. Ўшанда иш юзасидан у ерга борганим. Ўтган йили декабр ойининг ўрталари. Худди шу вақтда Яккасарой туман судида "тўртлик" жиний гуруҳи "фаолияти"га нукта қўйилаётган эди.

Аёл кўз ёши. Нокўбил ўғил дастидан тилка-пора бўлган юрак зардоби аралаш чиқаётган кўз ёшлар.

Онанинг ўғли Шўхратга ихлоси баланд эди. Катта ўғли "Ҳизбўт-тахрир" оқимиға қўшилиб, қамалиб кетганидан кейин кичик ўғлиға сўяниб қолганди. Унинг қисмати бунга ҳам катта мактаб бўлди, деб ўйланганди. У ҳам жиний гуруҳининг бошқа аъзолари билан тўғилиб ўсган юртиға хиёнат қилди. Ўзбекистонда конституциявий тузумни ағдариб, халифалик давлатини тузиш истагида бўлган ватанфурўшлар ногорасига ўйнади. Шўхрат ва "дўстлари"нинг ҳаммаси Яккасарой туманидан.

Халқимизнинг "Бир марта туз тотган жойингга қирқ кун салом бер", деган нақли бор. Лекин улар аксини қилишди. Тумандаги қатор маҳаллардаги ўйларнинг эшикларига арақалар қистириб кетишди. Уларда асосан Ислоҳ давлатини тузиш ҳамда ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатга қарши ғоялар битилган эди.

— Жиний гуруҳ бу билан қиёфоланмай наркотик моддаларини сотиш билан ҳам шугулланганлар. Хайриятки иш узоққа чўзилмади. Тўда аъзоларининг фаолиятиға чек қўйилди, — дейди Яккасарой туман прокурори, I-даражали ҳуқуқшунос Р.Абдурахмонов.

— Дастлабки тергов вақтида И.Аҳмаджонов, Ш.Абдурахмонов, З.Зокиров ҳамда М.Эрматовлардан героин далили ашё тарихасида олинди. Бундан ташқари, уларнинг ўйлари тинтув қилинганда кўп миқдорда диний-экстремистик адабиётлар ва арақалар топилди.

Ҳўкм ўқилди... Юзи шувит бу жинийларнинг қилмишларига яраша жазоларини олдилар. Лекин улардан қанчадан-қанча гав-ташвиш қолди. Ойназорларнинг юзлари ерга қаради. Оталарининг қадди букилди. Энг ёмони — улар эл-юрт назаридан қолдилар. Мулоҳазаларимизни мўхтасар қилар эканмиз, ҳеч ким бундай кунни кўрмасан деб қоламиз.

Н.ЛУТФУЛЛАЕВА,  
"Ҳуқуқ" муҳбири

## ФУҚАРОЛАР САЛОМАТЛИГИ НАЗОРАТДА

## МУДРОҚ БОСГАН ҲАКИМЛАР

Барчамизнинг онгимизга, шууримизга сингиб кетган ҳикматни эслашнинг яна ўрни келди: "Мустақиллик — ҳуқуқ демакдир".

Шак-шубҳасиз, худди шундай. Эндигина тугилган гўдақдан тортиб, то тўқсон ёшли қариягача қонунлар муҳофазасидалигини таъкидлаш жоиз. Ҳатто уларнинг саломатлиги ҳам, даволаниш ҳуқуқи ҳам, тиббий хизмат кафолати ҳам қонунларимизда ўз аксини топган.

Лекин мазкур йўналишдаги қонунларимиз ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ижроси тўғрисида сўз борганда масалаға бироз танқидий ёндашишга тўғри келади. Масалан, Сирдарё вилояти мисолида...

ЯҚИНДА Сирдарё вилоят прокуратураси томонидан "Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида"ги қонун ижроси юзасидан текшириш ўтказилди. Текширишда маълум бўлишича, 2000 йилда вилоят бўйича касалланиш вилоят аҳолисининг 47% ини ташкил этган. Ҳаммасидан ташвишланарлиси 1999 йилга нисбатан касалланиш даражаси 8% га ўсган. 2000 йил мобайнида тиббий қўриқдан ўтган зурриёб ёшдаги аёлларнинг асарият қисми қамқонлик касаллиги билан оғриганлиги, чақалоқларнинг ўлик ҳолатда тугилиш ҳоллари ҳамон мавжудлигини қандай

изоҳлашни ҳам билмайсан. Вилоят даволаш муассасаларида 9 та оналар ўлими қайд қилинган. Бу рақамларнинг ҳаммаси нимани кўрсатади? Жавоб тариқасида айтиш лозимки, вилоят аҳолиси соғлигини сақлашнинг асосий талаби бўлган профилактик ишлар, касалланишнинг олдини олишга доир тадбирларни талаб даражасида деб бўлмайди. Айниқса, Гулистон, Сирдарё, Сайхунобод, Бобўв туманларида касалланиш даражаси сезиларли ўсган. Айтмоқчимизки, профилактика ишлари худди шу туманларда сўсайтириб юборилган. Болалар ўлими эса Оқолтин,

Мирзаобод, Шароф Рашидов туманларида кўпроқ қайд этилган. Ушбу ҳолатлар вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги профилактик ишларнинг кўзгуи. "Тиббиётнинг келажаги — профилактика" деган қоида бир неча йиллар олдин ўртага ташланди. Бу қоида эса назаримизда сирдарёлик ҳақимларнинг қулўғига ҳали етиб бормаган, шеклилли.

Маълумки, соҳанинг салоҳиятини моддий техник база билан биргаллик кадрлар малакаси ҳам белгилайди.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимини моддий таъминлашга 2 млрд. 355 млн. сўм маблағ ажратилган. Ушбу маблағлар аҳоли жон бошиға хисоблаганда 3650 сўмни ташкил этган. Беморнинг бир кунлик озик-оқвати учун 130 сўм, дори-дармонни учун 196 сўмдан тўғри келган. Вилоятда 2000 йилда бепул дори-дармон билан таъминланиш 12 млн. 541 минг сўмни ташкил этган.

Кадрлар салоҳияти тўғрисида гап кетганда, тармоқда 1618 нафар шифокор қозғолиб турсатди. Ҳаммасидан қизиги шундаки, 2000 йил давомида 320 та иш ўрни бўш қолган. Ҳар йили мамлакатимизда тиббиёт институтларини юзлаб ёшлар битириб чиқади. Соҳа қарияти уларни ишга тақийф қилиш

тўғрисида жиддий ўйлашлари лозим эмасми?

Мавжуд кадрларнинг иш фаолиятига берад эканмиз, фуқароларнинг фикрларига эътибор қаратиш тўғри бўларди. Ўтган йили вилоят муассасалари ходимларининг қонунға хилоф хатти-ҳаракатлари юзасидан қўлаб шикоятлар тушган. Фақатгина соғлиқни сақлаш бошқармасининг ўзига 2000 йилда 69 та шу мазмунда арз қилинган. Бошқа назорат қилувчи идораларға келган шикоятларини ҳам қўшасак, бу рақам бир неча баробар қўлайиши мумкин.

Вилоятда юқумли касалликлар тарқалиб кетишиға йўл қўймаслик, аҳолини ҳар хил захарли дори-дармон ва озик-овқатларидан сақлаш, санитария қоидаларига риоя қилишни назорат қилиш борасидаги фуқароларнинг ҳуқуқларини тўлақонли таъминлашда ҳам етарлича масўулият йўқ. Қизиги шундаки, тиббиёт ходимларининг ўзлари томонидан санитария қоидалари бузилганлиги кўп бора қайд этилган. 2000 йил давомида 362 та тиббиёт ходими худди шундай қоидаларни бузганликлари учун жаримаға тортилганлар.

Санитария қоидалари бузилганлиги муносабати билан 13 та тиббиёт муассасаларининг иш фаоли-

ятлари тўхтатиб қўйилган.

Санитария-профилактикаға, фуқаролар ҳуқуқларини ҳавф остиға қўйишға оид яна бир мисол: 2000 йилда вирусли гепатит касаллиги ошган бўлса-да, ушбу касалликка қарши эмлаш амалда бир марта ҳам ташкил қилинмаган.

Юқоридаги хато ва камчиликлардан ташқари бюджет маблағлари хисобига келтирилган дори-дармон, озик-овқат маҳсулотларини талон-тарож қилиш ҳолатлари ҳам аниқланди. Масалан, вилоят Сил касалликлари шифохонасининг дори-дармонлари оморхонасида 336500 сўмлик камомад борлиги маълум бўлган. Ушбу ҳолат юзасидан омор мудири Т.Уматовға нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Юқумли касалликлар шифохонаси озик-овқат оморби мудири Ш.Бегалиевнинг жиний хатти-ҳаракати тўғрисида 36198 сўмлик камомад аниқланди. Бу рўйхатни яна Янгийер шаҳар, "Сирдарётаъминотсавдо" корхонаси мисолларида давом эттириш мумкин.

Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, тармоқдаги қонунлар ижроси юзасидан хато ва камчиликлар бисёр. Мана шундай шароитда соғлиқни сақлаш тизимига масўулият билан ёндашиш, фуқароларнинг саломатлигиға оид ҳуқуқлари янада тўлақонли таъминланган бўларди.

М.БЕКМИРЗАЕВ,  
Сирдарё вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлими прокурори,  
А.МУСТАФОҚУЛОВ,  
"Ҳуқуқ" муҳбири

ПРОКУРАТУРА АРАЛАШУВИ БИЛАН АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

**Эътиборингизга ҳавола этилаётган қуйидаги воқеа оддийгина лоқайдликнинг ҳосиласидир. Бироқ шу лоқайдлик оқибатида бир оила олти йил мобайнида қанчалар заҳмат чекмади дейсиз. Келинг, воқеалар ривожига тўртки бўлган бир қарорнинг асосий мазмуни билан танишайлик.**

“...1993 йил 30 августда Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти томонидан Р.Шамсуддинов номига берилган 003 серияли 018547-ордер ноқонуний деб топилсин”.

(Тошкент шаҳар судининг 1996 йил 29 июлдаги қароридан кўчирма.)

Ушбу қарордан сўнг Рўзимухаммад Шамсуддинов ва унинг оиласи Миробод туманидаги Нукус кўчаси, 86-уй, 16-хонадондан кўчирилиб, даъвогар Валентина Белова ва унинг фарзандларига мазкур уйда яшаш ҳуқуқи берилди.

Табиийки, бу ҳол шундайлигича қолиб кетмади. Фуқаролик иши Олий суд президиумигача бўлган барча суд инстанцияларида кўрилиб, биринчи суд инстанциясининг қарори ўз кучида қолдирилади. Фақатгина Олий суд президиумининг 1997 йил 30 майдаги қарори билан олдинги суд қарори ва коллегия ажрими қисман ўзгартирилиб, қарорнинг В.Белованинг фарзандлари — Илья ва Кирилларнинг низоли хонадонда яшаш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги қисми бекор қилинади, холос.

Лекин ҳеч бир суд Р. Шамсуддиновнинг ваъдаларига ва ишнинг ҳақиқий ҳолатларига таяниб, низога қонуний нўқта қўйишга шошилмайди. Бу эса ишнинг йиллар давомида чўзилишига, бир оиланинг олти йил мобайнида сарсон-саргардон бўлиб юришига сабаб бўлади.

Хўш, олти йил мобайнида низою можароларга сабаб бўлган хонадон аслида кимга тегишли эди? У қандай қилиб Р.Шамсуддиновнинг номига ўтиб қолган?

Бунинг ҳам албатта, ўз тарихи бор. Аслида ушбу уй 1989 йилда Ўзбекистон Куролли Кучлари ҳарбий хизматчиси Константин Беловага вақтинчалик, 1992 йили эса доимий ордер асосида берилди.

Бу орада яна бир воқеа юз берди: 1990 йили эр-хотин Беловлар ўртасидаги никоҳ М.Улуғбек туман суди томонидан бекор қилинади. 1993 йилга келиб уй масаласида низо бошланиб, иш Миробод туман судида кўрилатганда, В.Белова бундан хабари йўқлигини, никоҳлари бекор этилганлигини фақатгина 1992 йилнинг октябрь ойида, яъни эри уни уйдан ҳайдаб чиқариб юборганидан кейин билганлигини билдиради.

Суд Беловлар ўртасидаги никоҳ судга тегишлилигига зид равишда, В.Белованинг иштирокисиз бекор қилинган ва Р.Шамсуддинов ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, К.Белов билан келишган ҳолда 16-хонадонга кўчиб кирган, деган хулосага келади. Ушбу ғўхтама асосида суд Шамсуддиновларни яшаб турган жойларидан кўчириш ва В.Белованинг ўғиллари Кирил ва Ильяларни (аслида Россия фуқаролари бўлган) уйга киритиш ҳақида қарор қилади.

Ҳақиқий машаахана ана шундан сўнг бошланади.

Ўзбекистон Куролли Кучлари сафида 20 йил хизмат қилиб уйсиз қолган Р.Шамсуддиновнинг ёрдам сўраб бормаган жойи, маслаҳат олмаган одами қолмайди. Фақатгина адолат тантанасига бўлган ишонч уни Республика прокуратурасига мурожаат этишга ундайди.

“Мен Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг қарорига кўра 1993 йил



# 16-ХОНАДОН

## Олти йил давомида можаролар марказида турди

*Миробод тумани, Нукус кўчасидаги 86-уйнинг 16-хонадонига ордер олдим.*

*Ушбу хонадонга кўчиб келганимда бу уйда ҳеч қим яшамас эди. Уйнинг олдинги эгаси К.Белов хонадонни менга топшириб, ўзи Россияга кетди.*

*Ушбу уйнинг бошқа хонадонидида К.Беловнинг сойқ хотини В.Белова эри А.Никитин билан яшаб турган экан. У биз кўчиб келганимизни эшитиб, “уй меники” деб даъво қила бошлади ва Миробод туман судига ариза билан мурожаат этди. Суд масалага юзаки қараб, “низоли” уй В.Беловга тегишли эканлиги ҳақида қарор чиқарди. Мен қарордан норози бўлиб, бир неча марта юқори турмушчи судларга мурожаат этдим. Лекин ҳеч бир суд менинг ваъдаларимга ва ҳақиқий иш ҳолатларига эътибор бермай келмоқда. Оқибатда мен қонуний уйимга эга бўла турганим, оилам ва уч фарзандим билан ишларда яшашга мажбур бўлаётиман.*

*Сиздан масалани чуқур ўрганиб, менинг қонуний ҳуқуқимни тиклаб беришингизни илтимом қиламан”.*

**(Р.Шамсуддиновнинг Республика прокуратурасига йўллаган аризасидан.)**

Республика прокуратураси ушбу шикоят асосида иш материалларини синчалаб ўрганиб чиқиб, фуқаролик иши юзасидан чиқарилган суд қарорларига нисбатан Олий суд пленумига протест киритди.

Хўш, оддий бир хонадон можаросининг бир неча йил чўзилиб, бу қадар юқори даражаларда кўрилишининг сабаби нимада?

В.Белова низоли уйга эгалик қилиш мақсадида 2-коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасидан олган сохта маълумотлари асосида

Ўзбекистонда умуман рўйхатда қайд этилмаган, аслида Россия фуқароси бўлган онаси Е.Григорьевани ҳам ордерга киритди.

Ишга тааллуқли яна бир ҳолат: биринчи инстанция суди В.Белова никоҳ бекор қилинганлигини 1992 йилнинг куз ойларигача билмаган, деб нотўғри қарор қабул қилади. Натихада В.Белова 1992 йил 10 декабрь кунини низоли уйни бўлиш ҳақида судга мурожаат этди ва 1993 йилнинг 13 январидида Миробод туман судининг қарори билан унга ва унинг болаларига 4 хонали уйнинг 3 хонаси ажратиб берилди. Лекин, турар-жойни бўлиш масаласи ҳал этилаётган вақтда К.Белова ҳам, мулк эгаси бўлган — Тошкент туман тураржойдан фойдаланиш қисмига ҳам бу ҳақда хабар берилмайди.

Шундан сўнг В.Белова Тошкент туман тураржойдан фойдаланиш қисмининг розилигисиз уйни хусусийлаштириб олади. 1996 йилнинг 29 июль кунини хусусийлаштириш ордери суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилди. Бундан кўринадиким, В.Белова никоҳ бекор қилинганини 1992 йилнинг кузида эмас, балки 1991 йилда, яъни низоли уйга доимий эгалик қилиш учун К.Белов томонидан ҳужжатлар тақдим этилган вақтда ҳам билган.

В.Белова ордер олиш пайтида ҳарбий хизматчи К.Беловнинг оила аъзоси ҳисобланмаслиги сабабли, хизмат уйини олишга ҳақли бўлмаган. Бундай ҳолат Уй-жой кодексининг 54-моддасига кўра, уй-жойга берилган ордери ҳақиқий эмас, деб топилган асос бўлади. Аммо, суд ишдаги бундай ҳолатларга тўғри баҳо бермай ордери ҳақиқий деб топган.

Суд Тошкент туман тураржойдан фойдаланиш қисми ва Шамсуддиновнинг В.Белованинг ҳарбий хизматчининг оила аъзоси ҳисобланмаслиги ҳамда низога сабаб бўлаётган уйда яшамаётганлиги учун унинг уйга бўлган ҳуқуқни йўқотган деб топилган ҳақидаги даъволарини В.Белова эри томонидан ҳайдаб юборилгандан сўнг “у кўшилариликда яшаб юрган”лигини ваъ қилиб рад этди.

Мазкур ҳолат бўйича тўпланган ҳужжатлардан кўринишича, В.Белова 1992 йил

фуқаролари хусусий мулк сифатида бир неча уйга эгалик қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бундан ташқари, Р.Шамсуддиновга низоли уй Мудофаа вазирлиги томонидан унинг 2 хонали уйини топшириш шarti билан берилган. Лекин суд масаланинг бу жиҳатини ҳам инобатга олмайди.

Унинг хусусийлаштирилган уйининг ҳужжатлари эса С.Раҳимов туман ҳокимияти томонидан бекор қилинган. Барча босқич судлари Шамсуддиновлар ўз ихтиёрларига кўра хусусийлаштиришни бекор қилишга ҳақли эмас эдилар, деб ҳисобланганлар.

Лекин аслида ҳар иккала тараф ҳам хусусийлаштириш шартномасини ихтиёрий равишда бекор қилиши мумкин. Бу масалада низо келиб чиққан тақдирда, ФПКнинг 5-моддасига (эски таҳрирдаги) мувофиқ судда ҳал этилади. ТошМИ даҳасидаги квартира эса хусусийлаштириш тўғрисидаги шартномадан тузган томонларнинг ихтиёрига кўра бекор қилинган.

Бинобарин, кассация ва назорат босқич судларининг бу борадаги хулосалари ҳам қонунга номувофиқдир. Қолаверса, Олий суд пленумининг “Хусусийлаштирилган турар-жойларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ ишларни судда кўриш амалиёти ҳақида”ги 1997 йил 2 майдаги қарорининг 9-бандига мувофиқ, шартнома унда қатнашувчи шахсларнинг розилиги асосида (бу ҳолатда ҳокимият), бундай қилишув бўлмаган тақдирда суд қарори билан бекор қилиниши мумкин. Кассация ва назорат босқичлари эса Олий суд пленумининг мазкур қарорига хилоф равишда, биринчи инстанция судининг хулосалари билан келишган.

нинг 22 октябрь кунини эри билан никоҳ бекор қилинганлиги ҳақидаги гувоҳнома олиш, эртаси кунини — 23 октябрда А.Никитиннинг қонуний никоҳида яшиган киради. Демак, у уша вақтда янги оила қурган ҳамда уй-жойга эҳтиёжи бўлмаган. Ушбу фикримизни исботлаш учун яна бир далил: эр-хотин Никитин ва Беловалар 1992 йил 29 декабрь кунини низоли хонадон жойлашган уйнинг бошқа хонадонини сотиб оладилар. Жаъвобар Шамсуддиновларнинг бу ҳолат бўйича келтирган ана шу ваъдалар ҳам негадир суднинг эътиборидан четда қолмади.

Суд В.Белованинг Шамсуддиновларни уйдан кўчириш ҳақидаги даъвосини қаноатлантиришда, Р.Шамсуддинов ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилганлигини, унинг ТошМИ даҳасида хусусийлаштирилган 2 хонали уйи борлигини ва уни Қозғоғистонда рўйхатда турган ҳарбий хизматчи С.Айбов номига расмийлаштирилганлигини ҳамда Мирзо Улуғбек туман ҳокимиятига Беловлар яшайдиган низоли уй бўлишига ҳақида маълумот берган, деган хулосаларга таянади. Лекин бу хулосалар бирон-бир далил билан исботланмаган.

Масаланинг қизиқ жиҳати шундаки, В.Белова сойқ эри Россияга доимий яшаш учун жўнаб кетмагунча қадар, яъни 1993 йилнинг октябригача уйга кўчиб кириш ҳақида бирор жойга мурожаат этмаган. У фақатгина Шамсуддиновлар уйга кўчиб кирганидан кейингина судга даъво билан чиқди.

Қолаверса, В.Белова низога сабаб бўлган уйнинг рўйхатидида ҳам қайд этилмаган. Буни К.Беловнинг у яшаган уйда ҳеч қим турмаслиги ва уйга даъво қилувчи бирор киши (хотини) йўқлиги ҳақидаги нотариус томонидан тасдиқланган аризаси ҳам кўрсатади.

Тўрт хонали квартира Р.Шамсуддиновга аслида унинг оиласида уч нафар фарзанди борлиги учун яшаш шартини яхшилаш мақсадида берилган. Уй-жой кодексининг 45-моддасида (эски таҳрирдаги) ҳар бир киши учун яшаш меъёри 10 кв.м. бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Демак, Р.Шамсуддиновнинг айти пайтда турар жойи бўлса ҳам қўч хонали квартира олишга ҳуқуқи бўлган. Қолаверса, Конституцион суднинг 1993 йил 6 октябрдаги хулосасига кўра, республикамиз

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратурасидан олинган маълумотга кўра, Нукус кўчасидаги тўрт хонали квартирани олиш вақтида Р.Шамсуддиновнинг хизмат ваколатларини суиистеъмол қилганлиги ҳолатлари текширувда аниқланмаган.

С.Айбов эса 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон Куролли Кучлари сафидида хизмат қилаётганлиги, турар-жойга муҳтож бўлганлиги сабабли унга илгарти Р.Шамсуддинов яшаган уй берилган.

Кўриниб турибдики, судга ўзини гўё жабрдийда қилиб кўрсатган В.Белованинг “мақсади” бутунлай бошқача бўлган. Сохта ҳужжатлар, сохта кўз ёшлари билан ҳеч қандай қонуний ҳуқуқи бўлмаसा-да, бутун бошли уйга эга бўлиб олган. Лекин афсуски, дастлабки суд жараёнида йўл қўйилган ҳато бир неча йиллик тортишувнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Прокуратура томонидан Шамсуддиновлар аризаси атрофлича ўрганиб чиқилганда, яна бир қатор қонунга хилоф ҳатоликлар аниқланди ва шу асосда Республика Бош прокурори Олий суд пленумига назорат тартибидида протест киритди. Протест қаноатлантирилди. Аммо бунга осонликча эришилгани йўқ. Адолатли хулосага келингуна қанча вақт, қанча асаб, қанча куч сарф бўлди.

Ниҳоят орадан олти йил ўтган, ҳақиқат қарор топди. Одамларда қонунга, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларга бўлган ишонч янада мустаҳкамланди. Нуфузли идораларни чалқатириб, шахсий манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиған шахснинг эса ҳақиқий башараси очиб ташланди.

**О. ОТАХОНОВА,**

**Республика прокуратурасининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатлари таъминлаш бўлими катта прокурори.**

**Д. ХАЛИЛОВ,**  
**“Хуқуқ” муҳбири**

## ТАДБИР

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ

Сирдарё вилоят ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда назорат идораларининг навбатдаги мувофиқлаштирувчи кенгаши бўлиб ўтди. Унда 2000 йилда назорат идоралари томонидан прокуратурага юборилган материалларнинг қонуний ҳал этилиши тахлили ва назорат идоралари фаолиятининг самардорлиги ҳақидаги масала атрофича қўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят прокуратурасининг тергов бўлими бошлиғи С.Хўжаназоров ҳамда умумий назорат бўлими бошлиғи Т.Худойбердиевларнинг ахборотлари тингланди.

Шунингдек, йиғилишда вилоят ер ресурслари бошқармаси бошлиғи Ж.Қўшбоқов, вилоят ветеринария бошқармаси бошлиғи Р.Йўлдошев, вилоят статистика бошқармаси бошлиғи С.Усаров ва бошқа мутасаддилар муаммо ва камчиликлар юзасидан тушунтириш бердилар.

Вилоятда қонунийликни янада мустаҳкамлаш ва бу соҳадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгилаб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

## ГИЁХВАНДЛИК — ИЛЛАТ



# МИЛЛАТ КУШАНДАЛАРИ

ИНСОН борки, бирор нарсага эҳтиёж сезиб яшайди. Яхши яшаш бу фақат шохона уй-жой, еб-ичиш, мол-давлатга эга бўлиш дегани эмас. Яхши яшаш — инсоннинг ўзи ва яқинларининг қадрига етиш, бирор фойдали меҳнат билан шугулланиш ва шу меҳнатдан қониқиб, фарзанд-лар камоли... Яхши яшаш жуда кенг тушувча бўлиб, унинг ўзига яраша тамойиллари бор. Минг афсуски, яхши яшаш деганда фақат ўз нафсини ўйлайдиган, ҳаётнинг мазмунини мўмай даромад топишдан иборат деб биладиган айрим нопок кимсалар учраб туради. Арзимаган акача виждонини пуллаб юборадди баъзилар.

Хоразм вилоятининг Ҳазорасп тумани Мухомон қишлоғида истиқомат қилувчи, 1941 йилда туғилган М.Саидова ва унинг ўғли Б.Саидов шундайлар тоифасидан. Улар пул топишга муқаддасан кетиб, энг қабиҳ ва паст ишга қўл урдилар, энг жирканч йўлни танладилар. Қонунга хилофлигини била туриб, гиёхвандлик савдоси билан шугуллана бошладилар. "Опий" ва "героин" моддасини мунтазам сўраб келувчиларга яхшигина баҳога пуллаб, шунинг орқасидан тиркичилик қилишган. Ачинарлиси шундаки, М.Саидова ўз ўғлига ушбу гиёхвандлик моддасидан "илиний" туриб, уни ҳам бангилликка ўргатиб қўйган. Унинг уйи тинтув қилинганда, 6,89 грамм героин ҳамда 3 грамм гиёхвандлик воситаси ашёвий далил сифатида топилди.

Самарқанд шаҳрида яшовчи Сафаров ўзининг эски қаддонни Шарипов билан ўзаро тил бириктириб, 92,33 грамм героин моддасини Хоразмга олиб бориб сотишга келишидади. Икковни Урганч шаҳрига келиб шу ерлик фуқаро Матёкубов билан савдон бошлаб юборадилар. Қадқоқлаб қўйилган героинни М.Матёкубовга 650 минг сўмга пуллаётган вақтларида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Шовот туманида яшовчи, муқаддам судланган З.Собиров, Н.Худойберганов ва М.Машариповлар ўзаро жиноий тил бириктириб, қуролланган ҳолда, юзларига никоб қийиб, шу тумандаги "Меҳнатобод" жамоа ҳўжалиги раиси Д.Абдуримовнинг уйига бостириб киришди. Уй бекасининг бошига қирқма миллик билан уриб, тан жароҳати етказишди. Сўнг унинг келинини ҳам гаров сифатида қайнонаси — жабрланувчи Д.Нуржонованинг ёнига қамаб қўйишди. Д.Абдуримовга эса миллик ўқталиб, ундан пулларини қаерга яширганлигини айтишини талаб қилишди. Д.Абдуримов қаршилик кўрсатқичи бўлганида жиноий гуруҳ аъзоларидан З.Тожиев личоғи билан унинг бармогини кесиб юборди. Д.Абдуримов ўзида куч топиб, жиноятчилар қўлидан чиқиб қочиб муваффақ бўлади. Қўлга тушиб қолишдан чўчиган жиноий гуруҳ аъзолари воқеа содир бўлган жойдан яширинишди. Лекин бузоқнинг юрганини сомонхонагача деганларидек, бу хавфли рецидивистлар қонун химоячилари томонидан ҳибсага олинди. Б.Солижоновнинг уйи қўздан кеңирилганда тўрт булак қилиб қадқоқланган, жами вази 3,7 грамм героин моддаси чиққан.

"Наркобизнес"чиларнинг фойда кетидан қувиб толганлари суднинг қора курсиси бўлди. Бу курсида ўтириб, улар ўз қилиши ва ҳатолари, гуноҳлари учун жавоб беришди. Жазони эса улар қаттиқ тартибли колонияларда ўташларига тўғри келди.

Миллатни захарлашга уринган, унинг соғлиғига пўтур етказмоқчи бўлган кимсаларга қонун ҳеч қачон шафқат қилмайди.

**Д.ТОЖИЕВ,**  
Республика прокуратурасининг Ички ишлар идораларида тергов ва суриштирув устидан назорат қилиш бошқармаси прокурори,  
1-даражали юрист

## ТУРМУШ СЎҚМОҚЛАРИДА

"Менинг сармомя шу ягона умримдир. Бошқа ҳеч нарсам йўқ. Бу сармомя шунчалик қийматлики (бебаҳоки), ҳар чиққан нафасни ҳеч қандай йўл билан тақор қўлга кириштиб бўлмайди. Бу нафаслар саналган ва улар (ҳар он) қамаймоқда. Умр тугаса (туғаш билан), тижорат ҳам тугайди. Тижоратга ёпишайликки (жон-дилдан киришайлик-ки), вақтимиз оздир".

Азиз ўқувчи! Инсоният яратилдики, ўзига берилган умр, унинг моҳияти ҳақида фикр юритади. Юқорида келтирилган фикрлар бобоқалонимиз имом Зайниддин Мухаммад Ҳаззолий қаламига мансуб бўлиб, "тижорат" деганда мутафаккир умр бўйи савоб йиғиб, гуноҳдан ҳазар қилишни назарда тутмоқда. Инсоннинг бу дунёдаги умри охираддаги ҳисоб-китоб кунига тайёргарликдир. Ҳамма бу гапнинг маъини чақиб, шунга қараб тадорик кўрганда эди, олам гулистон бўлар эди...

БУГУН чет элга чиқиш имкониёти бундан 10 йил олдинги аҳволга нисбатан ўн баробар юқори. Юртдошларимиз илгари хорижга фақат сайёҳлик мақоми билан чиққан бўлсалар, ҳозир савҳатга, турли анжуманларда қатнашиб, тижорат, ўқиш, ишлаш учун бораётганларнинг сонига етиб бўлмайди. Бу яхши. Аммо...

Аммо кетаётганларнинг ҳаммасининг ҳам нияти холис деб бўлмайди.

затиш ишлари ёки уч йилгача озоликдан маҳрум қилиш билан жазоланади" (ЖК 228-моддаси 2-қисми "в" банди).

Ушбу ҳолат юзасидан Самарқанд шаҳар прокуратурасида жиноят ишқўзғатилиб, фуқаро Умид Юсупов айбланувчи сифатида ишга жалб этилди. Нега дейсизми? Қуйида билиб оласиз.

\*\*\*

Умид Замира билан ҳам, Гали-

# ЕВХТА НИКОХ ОРТИДАГИ ҚАБИҲ МАҚСАД

2000 йил 9 июнь. Тошкент аэропорти. Улкан ҳаво кемалари учиб-қўниб турган бу масқанда кимкимни бетоқат кутган, кимдир бамайхотир газета ўқиб ўтирибди. НУ 331-рейс билан "Тошкент-Шаржа" йўналиши бўйича учувчи йўловчилар рўйхатга олинмоқда. Текширувдан ўтаётган бошқа йўловчилар қатори Олим Раҳимов, Замира Каримулина, Сухроб Исमतов, Галина Текеновалар ҳам ҳаяжонланишяпти. Бунинг боиси назоратнинг охириг босқичида, улар аэропорт чегара хизмати ходимларининг текширувдан ўтишартиган пайтда аён бўлиб қолди: уларнинг Бирлашган Араб Амирликларига киришини тасдиқловчи виза сохта экан!

Самарқанддан келган бу омадсиз йўловчиларни БААга учуриб юборишни зиммасига олган "Ансар" сайёҳлик фирмасида бўлиб бошлиғи бўлиб ишловчи Юнона Исаева аэропортда уларга "ҳаяжонланманглар, агар сизни ушлашса, ҳужжатларни "Спутник" фирмасидан тўғрилаганмиз деб айтинглар, шунда сизларга ҳужжатларни қайтариб беришди" деб тайинлаган эди. Гап Ю.Исаева, шунингдек маъзур тўрт йўловчи ўзлари тақдим этаётган ҳужжатнинг сохталлигини билармиди, деган савол устида кетмоқда. Негаки, "Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш..." бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб содир этилган бўлса, икки йилдан уч йилгача ахлоқ ту-

на билан ҳам Самарқанддаги "Халперсона" дискотекасида танишган. Ёшлари йигирманинг нари берисида бўлган, шомдан баъзан тонггача дискотекада диконглаш-ни хуш кўрувчи ёшларнинг бу танишуви ажабланарли эмас. "Халперсона" каби тунги клублар ёшларнинг бўш вақтини мароқли ўтказиш билан бирга улар ҳар хил экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олади, дейишди мутасаддилар. Аммо ёмғирдан қочиб дўлга тутилди деганларидек, айрим ёшлар учун жиноят қўчасига йўл айнан дискотекалардан бошланаётгани ҳам бор гап.

— Хорижда ишлаб, пул топиб келишни истамайсизларми?..

Умиднинг бу таклифидан сўнг қизларнинг кўз олдига луғатларидаги энг севимли сўз билан ифодаланувчи яшил банкнотлар, таъсавуридаги афсонавий БАА, Умиднинг БААда яшовчи опаси Дилором Юсупова келди. Умид олари ҳақида уларга бир неча марта гапириб берган, ахир.

— Опамга "эмират"да ишлашни хоҳловчи 4 та қиз керак.

Хорижга чиқиш учун барча ҳужжатларни ўзи тўғрилаганини айтган, қизлар Умидга паспортларни беришди.

\*\*\*

Олдиндан шунини айтиш керакки, опа-укаларнинг нияти қизларни БААга олиб бориб, фоҳишалик қилишга мажбурлаб, улар воситасида мўмай пул топиш бўлган.

Бундай ҳаракат учун эса ЖКнинг

135-моддаси 3-қисмига кўра кишининг мол-мулки мусодара қилиниб, беш йилдан саккиз йилгача озоликдан маҳрум этилиши муқаррабдир.

Д.Юсупова БАА ҳукумати никоҳсиз, 30 ёшга тўлмаган, кузатувчиси бўлмаган аёлларни мамлакатга киритмаслигини жуда яхши билган. Шундан келиб чиқиб, ишга киришадилар. Дастлаб, 1976 йили Оқтош шаҳрида туғилган З.Каримулина билан сохта никоҳдан ўтиш учун 1979 йили Самарқандда туғилган Олим Раҳимов, сўнг 1982 йили Самарқандда туғилган Г.Текенова билан сохта никоҳдан ўтиш учун 1978 йили Самарқандда туғилган Сухроб Исमतов катта пул эвазига ёлланади. Сўнг опа-укалар Самарқанд шаҳридаги "Панжоб" бахт уйи мудири М.Ҳиломова билан тил бириктириб, 2000 йил 12 май кунини Олим билан Замира ўртасида никоҳ қайд қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома олишди. Галина билан Сухроб ҳам 19 май кунини шу тартибда, фақат шаҳардаги "Никоҳ уйи"да сохта никоҳдан ўтказиланди. Никоҳ гувоҳномасига асосан

Замиранинг фамилиясини Нарпай тумани ИИБ паспорт бўлими орқали "Раҳимова" қилиб ўзгартириб, Галинанинг фамилиясини эса Самарқанд шаҳар ИИБ 5-ШМБ паспорт бўлими орқали "Исमतова"

қилиб ўзгартириб фуқаролик паспорт олишди. Шундан кейин Г.Текенова ва З.Каримулинанинг ўрнига хорижга чиқиш тўғрисида ариза-анкеталарни тўлдириб, Самарқанд вилояти ИИБ ХЧК ва ФБга топшириб, аризалар юзасидан кетган барча сарф-харажатларни ўзлари тўлашди.

Барча иш режа бўйича борарди. 2000 йил 15 май кунини Умид БААга учиб кетади ва у ерда Ўзбекистоннинг Дубай шаҳрида жойлашган консулликнинг 31 майдаги 2898-рақамли, фуқаролар З.Саидова, М.Қувондиқова, Р.Даридзе, Л.Бабянц, Е.Омонова ва С.Меликоваларнинг БААга киришини тасдиқловчи муҳри босилган ҳужжатларини юқорида қайд этилган "келин-куёв"ларнинг визасини тасдиқловчи ҳужжат қилиб сохталаштириди...

Аэропорт ходимларининг сергаллиги туфайли жиноий гуруҳ режалаштирган жирканч иш амалга ошмай қолди. Афсуски, бу каби разилларнинг домга тушиб хорижда хор бўлиб юрганлар қанча...

\*\*\*

Инсонлик уяғи мартаба. Ён атрофимиздаги яхши одамларни кўрганда бунга минг қарра иймон келтирамиз. Уларга ҳавас қиламиз. Бу номни булғайтганлар эса... Улар том маънода бахтиқаро одамлардир.

Юқорида ҳикоя қилинган ҳодиса бўйича айбдорлар тегишли жазони олдилар.

**Аълам ҲАЙДАРОВ,**  
Самарқанд шаҳар прокурорининг ўринбосари

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР ШАРҲЛАР

## НАМОЙИШДАН БОШЛАНГАН ТЎҚНАШУВ

Душанба куни Покистоннинг Карачи шаҳрида сув тақсимотидаги чеклашларга қарши норозилик намойишларида Синд вилоятининг турли жойларидан келган 2 минг чоғли аҳоли иштирок этган. Намойишчилар ва полиция ўртасидаги тўқнашув оломон Карачи марказидаги маъмурий бинони қуршаб олганидан кейин, уларни тарқатиш учун полиция кўздан ёш оқизувчи газ ва резина калтаклардан фойдалангач, бошланиб кетган. Бу хатти-ҳаракатдан сўнг полиция газабланган намойишчиларнинг тош-бўрони остида қолган. Тасдиқланмаган маълумотларга қараганда, ҳар икки томондан ҳам жароҳатланганлар бор. 30 дан зиёд намойишчи қамоққа олинган.

## KITTY HAWK ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Бортида 70 та қирувчи самолёт жойлаштирилган АҚШ ҲДКга қарашли Kitty Hawk авианосеци Жанубий Хитой денгизи сари йўлга тушди.

У ерда бу самолётлар Америка ай-гокчи самолётларининг муҳофазасини таъминлайди. Маълумотларга қараганда, авианосец ҳозирда Филиппин атрофларига етиб келган.

## «ХУҚУҚ» ШАРҲИ

# СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ ҚОРА КУРСИДА



ФИЛИППИН давлатининг собиқ президенти Жозеф Эстрада ниҳоят тақдирга тан бериб, мамлакат олий судининг қора курсисига ўтирадиган бўлди. Пойтахт Манилада суд собиқ президентни ноқонуний даромад олганликда ва бу даромад манбаи ҳақида сохта кўрсатмалар берганликда айблаб, уни ҳибсга олиш ҳақида фармойиш чиқарди.

Бу Эстрадага нисбатан чиқарилган биринчи суд ордери. Филиппин Олий судини мамлакат собиқ президенти сифатида ўз шахсининг даҳисизлигига ишонтира олмаган оролар мамлакатининг собиқ раҳбари адвокатлари билан суд залида ҳозир бўлди. Уни ҳибсга олиш тўғрисидаги ҳужжат эълон қилинишидан 2 соат ўтар-ўтмас Эстрада ўз иктириби билан полиция ва адвокатлари қуршовида кириб келди. Жозеф Эстрада бундай ордер кучга кирган ҳолатда эркинликда юриш учун талаб қилинадиган гаров пулини тўлашга тайёр эканлигини унинг адвокатлари маълум қилди.

Филиппин қонунларига кўра айблов эълон қилинган шахс тегишли идорага келиб гаров пулини ўз қўли билан топшириши керак. Қонун олдида эса барча баробар. Филиппин Олий суди Эстрадани ҳибсга олиш тўғрисидаги фармойиши билан мамлакатда қонун устуворлиги мавжуд деган фикрга ургу беришга интиломда.

Шу ўринда Филиппин мамлакати ҳақида қисқача маълумот: Жанубий-Шарқий Осиёда, Филиппин архипелагида жойлашган бу мамлакат 7 мингдан зиёд ороларни ўз ичига олади. Аҳолисининг аксари католик мазҳабига эътиқод қилади. Шунингдек, аҳолининг 15 фоизга яқини мусулмонлардир. Урта асрларда Европададан Ҳиндистонга денгиз йўли очилгач, Филиппин оролларидаги майда князликлар Испания мустамлакасига айланади.



Узоқ муддатли мустамлака зулмини бошдан кечирган Филиппин, ниҳоят 1898 йили озодликка эришди. Бирок тез орада АҚШ томонидан истило қилинади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса Япон милитаризми оккупациясига дучор бўлади. Иккинчи жаҳон уруши ниҳояси билан Филиппинда республика эълон қилинади. Шундан буён Филиппин республикаси, гарчи АҚШнинг иқтисодий ва сиёсий таъйинлари остида бўлса-да, ўз тараққиёт йўлидан оқимлаб келмоқда. Дарвоқе, ўтган асрнинг 70-йилларида мамлакатнинг Миндакао ва Сулу оролларида яшовчи мусулмон аҳолиси мустақил мусулмон давлати ташкил қилиш учун кураш олиб борадилар ва Филиппин ҳукумати уларга мухторият мақоми беришга мажбур бўлади. Аграр мамлакат Филиппин сарҳадларидаги табиий бойлик захиралари ҳар доим ривожланган давлатлар эътиборини ўзига торттиб келган.

Жозеф Эстраданинг ҳибсга олиниши мамлакатда мисли кўрилмаган воқеа бўлди. Филиппин тарихида ҳали давлат раҳбарига нисбатан бундай чора кўрилмаган эди.

Собиқ актёр Эстрада президентлик курсисини икки ярим йил мобайнида эгаллаб турди. Январ ойидаги оммавий норозиликлардан, парламент импичмент эълон қилганидан кейин у истеъфо беришга мажбур бўлди. Маълумки, унинг ўрнини Глория Арройо эгаллади.

Собиқ президент акциз тушумларидан 2,6 млн. доллар маблағни ўзлаштирилганликда ва солиққа доир қонунларга зид йўл тутганликда айбланмоқда. Бундан ташқари Эстрадани яна олти турт иқтисодий жиноятларини содир этганликда айбланмоқда. 28 мартта мулжалланган бу парвоз фазовий кема двигателида юз берган ёнғин сабабли қолдирилган эди. Агентлик ходимларининг хабар беришича, айни пайтда ракета ҳар қандай нуқсонлардан холи.

## НУҚСОНЛАРДАН ХОЛИ РАКЕТА

Ҳиндистон аэрокосмик агентлигининг душанба куни тарқатган хабарига қараганда, чоршанба куни GSVL—D1 фазовий ракетасига старт берилади. 28 мартта мулжалланган бу парвоз фазовий кема двигателида юз берган ёнғин сабабли қолдирилган эди. Агентлик ходимларининг хабар беришича, айни пайтда ракета ҳар қандай нуқсонлардан холи.

Саҳифани Саидзим ФОЗИЕВ тайёрлаган

## ТАДБИРЛАР ТАЪҚИҚЛАНДИ

Чеченистонда турли оммавий тадбирлар ўтказиш номаълум муддатга қадар тўхтаб қўйилди. Аҳмад Қодиров имзолаган ушбу фармонга кўра, Чеченистонда съездлар, митинглар, конференция ва бошқа тур йиғинлар, кўп сонли аҳоли иштирок этувчи ҳар қандай тадбирлар таъқиқланади.

Фармонда айтилишича, бундан кўзланган мақсад фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини асрашдан иборатдир. Фармонда бу таъқиқнинг тугаш муддати «террорчиликка қарши операциялар аяқлангунга ва республикада ижтимоий-сиёсий вазият изга тушкунга қадар» дея белгилаб қўйилган.



Яқин Шарқ можароларида бетараф томошабинга айланиб олган Эрон ҳукумати Исроил ҲХК томонидан Ливандаги Сурия позицияларига қилинган ҳужумларни қоралаб чиқди. Исроил ҳарбий қўмондонлиги эса бу ҳужумни Сурияни жиддий огоҳлантириш деб баҳоламоқда. Маълумки, Сурия «Ҳизбаллох» қўшинларига мадал бериб турган араб давлатидан бири ҳисобланади.

«Исроилнинг ёвузликлари Ливан ва Фаластинни ўз ҳуқуқларидан воз кечишга мажбур қилолмайди», дейди Эрон ташқи ишлар вазири Ҳамид Ассафий.

## АНГОЛАДА ОФАТ

Кучли табиий офат — тўфон натижасида Ангола аҳолисидан 11 киши нобуд бўлди. Маҳаллий Radio Ecclesianing хабар беришича, пойтахт Луанда марказий туманларининг бирида 8 киши вайроналар остида қолиб кетган. Электр узатгич симларининг узилиб кетганлиги оқибатида уч киши тоқ уришидан ўлган.

Луанда шаҳрида жойлашган АҚШ ва Хитой элчихоналари яқинида жойлашган биноларга кучли талофат етган.

## РАББОНИЙ ВАФОТ ЭТДИ

«Талибон» ҳаракати раҳбарларидан бири Мулла Муҳаммад Раббоний душанба куни Покистонда вафот этди. 45 ёшли Муҳаммад Раббоний буйрак раки билан хасталанган бўлиб, Покистонга даволанган келган эди, деяр маълумот берган «Талибон» вакили Мулла Абдул Салом Сайёф.

## АЙБЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Амстердамдан Тель-Авив сари учиб шайланган Нидерландиянинг KLM авиакомпаниясига қарашли Boeing - 767 самолёти бортида чиққан ёнғин сабабли рейс қолдирилди.

Бортида 225 йўловчи ва 11 экипаж аъзоси бўлган самолёт учиб йўлакчалари бўйлаб ҳаракатланаётган пайтда ўт ўчириш сигнализациялари юкхоналардан биридаги ёнғин ҳақида хабар қилади.

Ёнғин дарҳол ўчирилди. Голланд полицияси ёнғин содир этганликда гумон қилиб ҳибсга олганларнинг тўртталаси ҳам Исроил фуқаролари бўлиб чиқди. Улардан икки нафари тезда қўйиб юборилди, қолган икки Исроил фуқароси эса уч кунлик тергов ҳибсхонасида ушлаб турилади. Шу уч кун ичида уларга нисбатан айблов эълон қилиниши кутилмоқда.

Россиялик медиакорчолон, айни пайтда Испанияда ҳибсда ушлаб турилган Владимир Гусинскийни ватанига экстрадиция қилиш масаласи яна номаълум муддатга кечиктирилди. Маҳбуснинг адвокати Доминго Пласаснинг маълум қилишича, бунга тегишли ҳужжатларда нуқсонлар мавжудлиги сабаб бўлган.

Эслатиб ўтамиз, В.Гусинский Россия Бош прокуратурасининг талаби билан испан ҳуқуқ муҳофазачилари томонидан ҳибсга олинган эди.



## ВАЪДАЛАРНИНГ ИЖРОСИ

Исроил Ҳаво кучлари Ливан ҳудудларида жойлашган Суриянинг радар қурилмаларига ҳаводан ҳужум уюштирди. Исроил армияси расмий баёнотида бу ҳужум ўтган шанбада «Ҳизбаллох»нинг яҳудий ҳарбийларини ўққа татишига берилган жавобдир, дея изоҳланади.

Дамашқдан олинган маълумотларга қараганда, бу ҳужум натижасида уч суриялик аскар шахид бўлган, яна беш нафари яраланган. Маълумки, Исроил ўз қўшинларини Жанубий Ливандан ўтган йилнинг май ойи-

да олиб чиқиб кетган эди. Орадан бир йил ўтмай туриб Исроил ҲХКлари бу ҳудудни ҳаводан ўққа татиб турибди.

Тель-Авив Сурия «Ҳизбаллох» жангариларини Исроилга қарши жиҳод урушида қўллаб-қувватлаб турганликда айбланмоқда.

Исроил ҲХКнинг бу ҳаво ҳужумини бош вазир Ариэл Шарон ваъдаларининг амалдаги ижроси бўлди, дейиш мумкин. У шимолдан бўладиган ҳар қандай тажовузга қарши кескин чора кўрилажagini айтиб ўтган эди.

**УЧРАШУВ**

# “СОГИНЧ”

Туркистон саройи. 20-21 апрель, соат 18.00

Баҳорни севганлар унда апрель борлиги учун севсалар не ажаб. Мафтункор осмон-ю оппоқ булутлари, гиламдек майсаси-ю кийгос гуллаган боғлари, абри найсо-ни-ю рангин камалаги билан апрель дилларга завқ бағишлайди. Бу гўзаллика кўнгилларни сел қилувчи куй-қўшиқ уланса-чи? Энди бунинг таърифиға қанча-қанча қоғоз қоралашимизга тўғри келади.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Номозов пойтахтимизнинг мухташам “Туркистон” саройида 20-21 апрель кунлари соат 18.00 да бўладиган концертда мухлисларга ана шундай кайфият бахш этишга ҳазм этибди. Мухбиримиз концерт таррадулида юрган хонандани суҳбатга тортиди.

— Маҳмуд ака, концерт дастуриғиз “Соғинч” деб номланибди...  
— Сабабини сўрамоқ-чиси-да. Аввало шуки, ҳар бир санъаткор мухлисларини соғиниб яшайди. Қолаверса, концерт санъаткор билан мухлисларнинг дийдорлашувидир. Ўткир Раҳмат шёри билан айтилувчи “Соғинч” деган кўшиғимнинг эл орасида озми-кўпми эътибор қозонгани ҳам концертнинг шундай атилишига сабаб бўлди.

Ниятимиз ҳам аслида шу: мухлисларни соғинч тарк этмасин! Бу энг гўзал туйғу.

— Концертда қандай янги кўшиқлар ижро этмоқчиси?  
— “Хаё” (Маъруф Жалил шёри), “Майхона” (Усмон Азим шёри), “Севиб севилмаган қиз”, халқ сўзи билан “Кўнгиротча”, “Айлама” каби янги кўшиқлар бўлади.

Умуман айтганда, концертда ижро этиладиган кўшиқларни уч туркумга ажратиш мумкин. 1. Янги кўшиқлар. 2. Фольклор кўшиқлар. 3. Замонавий оранжировкада сайқал берилган, илк бор айтиб чиққан эски кўшиқларим.

— Концерт ҳар бир санъаткор учун байрам. Аммо унинг ташкилий жиҳатлари осон эмас.

— Илгари (2000 йилда) “Туркистон”да концерт берганман. Бу галгиси “Туркистон” саройининг ташаббуси билан бўлаяпти. Шу ўринда ҳаммаси яхши бўлиши учун мен билан тепла-тег тер тўкаётган концерт бош режиссёри Саъдулла акага, дизайнерчи рассом Бахтиёр Тўраевага, шу ишга бош қўшаётган барча-барчага миннатдорчилик билдираман. Дастурни “Сурхон” гуруҳининг доимий бошловчиси, Ўзбекистон радиоси “Ешлар” каналининг бошловчи-муҳаррири Рустам Хотамов олиб боради.

Хасан КАРВОНЛИ  
суҳбатлашди

## ТУРФА ОЛАМ, ТУРФА ОДАМЛАР

Дунёга машҳур Sega корпорацияси анъанавий япон тамаддиҳонасининг муқобилини юқори технологияга асосланган ҳолда ишлаб чиқди. Бу технология ҳозирча фақатгина Токиодаги ресторанлардан бирига ўрнатилган бўлиб, махсус мониторларда сув ости дунёси, унда сузиб юрган балик ва бошқа жониворлар яққол кўриниб туради. Мижоз иштаҳасини кўзгаган балик ёки бошқа сув ости жониворини кўрсатиб, экранга бармоғини текизса бўлгани — буни ошхонадаги ўз мониторларида кўриб турган ошпазлар таъриф буюрувчининг талабини санокли дақиқалар ичида муҳайё қилишади.

Португалия полициячиси машинани бошқариб кета туриб соқолини қиртишлаётган ҳайдовчини тўхтапти. Ҳайдовчи инспекторга жуда муҳим учрашувга шошилаётганини, у ерга эса соқоли ўсган ҳолда боролмаслигини тушунтириш учун роса овора бўлди. У машина манглайидаги кўзгуга қараб ҳам соқол қиртишлаган, ҳам рулни бошқарган. Инспекторни ажаблантирган нарсга ҳайдовчи шу ҳолатда ҳам соқолини бинойидек қиртишлагга улгурганлиги бўлди.



«Дил-дилга мос бўлса...»

## Кутловлар

*Азиз дадажонимиз Тулағанов Шавкат Обиджон ўғли!*

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин юракдан муборакбод эта-миз. Ҳамиша бахтимизга соғ-саломат бўлиб, ойигонимиз билан бизларнинг роҳатимизни кўриб юринг. Сизга оилавий бахт ва ишларингизда ривож тилаб

рафиканғиз Гулнорахон, фарзандларингиз Комилжон, Козимжон, Нигорахонлар. Тошкент шаҳри

\*\*\*

*Қадрдон дўстимиз Азизбек!*

Сизни туғилган кунингиз билан барча синфдошлар номидан самимий кутлаймиз. Соғлик-саломатлик, барча ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Бир гуруҳ дўстларингиз номидан

Жамол, Элёрбек. Навоий шаҳри

\*\*\*

*Ҳурматли дўстимиз Азаматжон!*

Сизни 25 ёшга тўлишингиз билан қизгин кутлаймиз. Ўқиш ва ишларингизда омад ёр бўлишини, орзу умидларингиз рўёбга чиқишини тилаб қоламиз.

Суннат, Мухиддин. Тошкент шаҳри

## ФУТБОЛ

# ҲАМ ШАРАФ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

Маълумки, айна пайтда 2002 йилда Япония ва Жанубий Кореяда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувлари қизгин тус олмақда. Ана шундай беллашуларда иккинчи бор шитирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси Осиё китъасининг 7-саралаш гуруҳида ягона йўланма учун баҳс юрилади. Ушбу гуруҳдаги ўйинларнинг биринчи давраси 23-27 апрель кунлари Тошкентда ўтказилади. Мамлакатимиз терма жамоаси бош мураббийи В. Салков юзлаб номзодлар орасидан ҳам шарафли, ҳам масъулиятли ўйинларга қуйидаги чарм тўп усталарини саралаш учрашувлари учун танлаб олди.

### ДАРВОЗАБОНЛАР:

Павел Бугало (“Алания”, Владикавказ, Россия)  
Евгений Сафонов (“Шинник”, Ярославль, Россия)  
Олег Беляков (“Пахтакор”, Тошкент)

### ҲИМОЯЧИЛАР:

Бахтиёр Ашурматов (“Пахтакор”, Тошкент)  
Андрей Фёдоров (“Рубин”, Қозон, Россия)  
Сергей Лушан (“Ростельмаш”, Ростов-Дон, Россия)  
Олег Пашинин (“Локомотив”, Москва, Россия)  
Даврон Файзиев (ЦСКА, Москва, Россия)  
Александр Хвостунов (“Трактор”, Тошкент)  
Февзи Давлетов (“Дўстлик”, Тошкент вилояти)  
Алексей Дионисев (“Левски”, София, Болгария)

### ЯРИМ ҲИМОЯЧИЛАР:

Миржалол Қосимов (“Криля Советов”, Самара, Россия)  
Баҳодир Сейткамолов (“Пахтакор”, Тошкент)  
Андрей Аюпянц (“Ростельмаш”, Ростов-Дон, Россия)  
Владимир Маминов (“Локомотив”, Москва, Россия)  
Мухтор Курбонов (“Пахтакор”, Тошкент)  
Баҳодир Аннаматов (“Насаф”, Қарши)  
Николай Ширшов (“Ростельмаш”, Ростов-Дон, Россия)  
Тоҳир Мадраҳимов (“Навбахор”, Наманган)  
Марат Ахмеров (“Пахтакор”, Тошкент)


### ҲУЖУМЧИЛАР:

Георги Георгиев (“Левски”, София, Болгария)  
Улугбек Бажоев (ЦСКА, Москва, Россия)  
Жафар Ирисметов (“Спартак”, Москва, Россия)  
Умид Исоков (“Нефчи”, Фарғона)  
Зафар Холмуродов (“Насаф”, Қарши)

## Моҳият

Ҳамма жойда, ҳар ишда ҳалол, пок ва баркамол бўл.  
«АВЕСТО»дан

## КРОССВОРД



Энига: 3. Ой сиртида ишлаш ва ҳаракатланиш учун мўлжалланган автоматик аппарат. 8. Бинолардаги гумбаз ва равоқларнинг деразаси. 9. Макони, турадиган муҳим жойи йўқ. 11. Керак, зарур. 12. Жуда тўла, озгича, лабигача тўла. 13. Африкадаги давлат пойтахти. 18. Сўксиз, юмшоқ гўшт. 19. Фарбий Африкадаги давлат. 20. Женева кўлининг французча номи. 23. Дукқадошларга мансуб бир йиллик ўсимлик. 24. Жуда орик, озиб-тўзиб кетган. 28. Қадимги Римда фарбий юнон ёзуви асосида пайдо бўлган алифбо. 29. Матндан четга чиқмай, сўзма-сўз. 30. Гўзал, чиройли ва нозик. 33. Йиртқич қушлар туркумининг бир тури. 34. Юз минг. 35. Бирор хусусиятига кўра кишига берилган қўшимча ном. 38. Чанқовбости ичимлик. 39. Олмониянинг жанубидаги шаҳар. 40. Бир томонидан махсус эгилувчан парда қопланган ип газлама.

Бўйига: 1. Украинадаги шаҳар. 2. Чакана савдо кўчма дўкончаси. 4. Фарангистондаги қироллар сулоласи. 5. Ер ости йўли. 6. Қабрининг марҳум жасади қўйиладиган махсус жойи. 7. Норвегия денгизидagi ороллар тизими. 10. Спорт мусобақаларида олдинда борувчи киши. 14. “Улугбек юлдузи” фильмида Сайид Обид ролини ижро этган актёр (фамилиаси). 15. Жуда кичик одам, митти. 16. Зах ердаги ўтлоқ. 17. Табиий кўк бўёқ, ложувард. 21. Тупроқнинг сув билан ҳосил қилган аралашмаси. 22. Лаос давлатининг расмий тили. 25. Ҳарфларни сатр-сатр қилиб териб қўйиб берадиган машина. 26. Тўйларда йигитлар ва қизлар тарафма-тараф бўлиб айтиладиган кўшиқ. 27. Суридаги шаҳар. 31. Рутадошларга оид доим яшил кўп йиллик субтропик ўсимлик. 32. Ганч ёки алебаст суюқ қилинган шил. 36. Энергияни катта зичликда ўткир йўналтириш. 37. Грамматик бошловчи.

Тузувчи: Т.УМАРОВ

### Газетанинг ўтган сонида берилган кроссворд жавоблари:

ЭНИГА: 3. Айсберг. 6. Айғир. 7. Абира. 11. Айрон. 12. Ато. 13. Ақула. 18. Аждод. 19. Асалари. 20. Аорта. 23. Архар. 24. Аноий. 28. Аҳоли. 29. Аденома. 30. Афсун. 33. Ақиқа. 34. Анд. 35. Анадл. 38. Адана. 39. Артек. 40. Ашрафий. БҲИЙГА: 1. Айғиз. 2. Араби. 4. Айвон. 5. Аракс. 8. Атолл. 10. Алвон. 14. Аждархо. 15. Асранди. 16. Арзнома. 17. Атиргул. 21. Ара. 22. Айб. 25. Алоқа. 26. Анонс. 27. Афина. 31. Ақуда. 32. Антей. 36. Ануша. 37. Архив